



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

## PECULIARITIES OF PRODUCTION OF AGRICULTURAL PRODUCTS IN KARAKALPAKSTAN

**Bakhyt B. Mambetnazarov**

*Researcher*

*Karakalpakstan Institute of Agriculture and Agrotechnologies*

*Nukus, Uzbekistan*

*E-mail: [mambetnazarov0190@mail.ru](mailto:mambetnazarov0190@mail.ru)*

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Development strategy, transformation of economic sectors, growth points, family farms, statistical grouping, analytical calculation.

**Received:** 23.08.22

**Accepted:** 25.08.22

**Published:** 27.08.22

**Abstract:** The article focuses on the study of issues such as agro-ecological features of the Republic of Karakalpakstan, improvement of economic mechanisms for the development of family-based entrepreneurship in rural areas, study of theoretical and methodological problems related to sustainable economic development, effective use of specific features of the region and development of new approaches. Also, the result of agrarian reforms in the world and our country, the specific positive features, scale and possibilities of effective use of all forms of agribusiness: large, medium and small, to increase food resources in the agrarian sector of the economy, were studied. Therefore, it is necessary to have a deeper understanding of the social-economic nature of the concept of the family economy, its signs and structural-functional characteristics, and the laws of development, which are becoming more and more important for the development of our country as a subject of the market economy. Proposals and recommendations on expanding the participation of family farms in ensuring socio-economic stability in the country by increasing the income of the population in the village, reducing the level of unemployment, and growing the layer of middle owners are presented.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Бахыт Б. Мамбетназаров**

*Тадқиқотчи*

*Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

*Нукус, Ўзбекистон*

*E-mail: [mambetnazarov0190@mail.ru](mailto:mambetnazarov0190@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Тараққиёт стратегияси, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш, ўсиш нуқталари, оила хўжаликлари, статистик гурӯҳлаш, аналитик ҳисоб.

**Аннотация:**

Мақолада Қорақалпогистон Республикаси агро-экологик хусусиятлари, қишлоқ жойларда оилавий асосдаги тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий ривожлантиришга оид назарий-методологик муаммоларни ўрганиш, худуднинг ўзига хос хусусиятларидан самарали фойдаланиш ва янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш каби масалалар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, жаҳон ва мамлакатимиздаги аграр ислоҳотлар натижаси, иқтисодиётнинг аграр соҳасида озиқ-овқат ресурсларини қўпайтириш учун агротижорат юритишининг барча: йирик ва ўрта ҳамда кичик шаклларининг ўзига хос ижобий хусусиятлари, кўлами ва мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Шу боис, бозор иқтисодиёти субъекти сифатида мамлакатимиз ривожига тобора катта аҳамият касб қилаётган оила хўжалиги тушунчасининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти, унинг белгилари ва таркибий – функционал хусусиятларини, ривожлантириш қонуниятларини чуқурроқ билиш талаб этилади. Қишлоқда аҳоли даромадини ошириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, ўрта мулқдорлар қатламини ўстириш орқали оилавий хўжаликларнинг мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий барқарорликни таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар баён этилган.

# ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВОДСТВА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ

**Бахыт Б. Мамбетназаров**

*Исследователь*

*Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий*

*Нукус, Узбекистан*

*E-mail: [mambetnazarov0190@mail.ru](mailto:mambetnazarov0190@mail.ru)*

## О СТАТЬЕ

<b>Ключевые слова:</b> Стратегия развития, трансформация секторов экономики, точки роста, семейные фермы, статистическая группировка, аналитический расчет.	<b>Аннотация:</b> В статье основное внимание уделяется изучению таких вопросов, как агроэкологические особенности Республики Каракалпакстан, совершенствование экономических механизмов развития семейного предпринимательства в сельской местности, изучение теоретико-методологических проблем, связанных с устойчивым экономическим развитием, эффективным использованием особенностей региона и разработка новых подходов. Также в результате аграрных реформ в мире и в нашей стране были выявлены специфические положительные черты, масштабы и возможности эффективного использования всех форм агробизнеса: крупного, среднего и мелкого, для увеличения продовольственных ресурсов в аграрном секторе экономики. учился. Поэтому необходимо более глубокое понимание социально-экономической природы понятия семейного хозяйства, его признаков и структурно-функциональных особенностей, закономерностей развития, которые приобретают все большее значение для развития нашей страны как субъект рыночной экономики. Представлены предложения и рекомендации по расширению участия семейных фермерских хозяйств в обеспечении социально-экономической стабильности в стране за счет увеличения доходов населения на селе, снижения уровня безработицы, роста слоя средних собственников.
---	---

## КИРИШ

Жаҳонда аҳоли сонининг ошиши туфайли инсониятни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, иқтисодий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни сақлашда қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигининг, хусусан, оиласвий хўжалик фаолиятининг аҳамияти тобора

ортмоқда. Дунёда 600 миллиондан ортиқ оиласын хўжалик мавжуд бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги майдонининг 70–80 фоизини эгаллади ва озиқ-овқат маҳсулотларининг 80 фоизини ишлаб чиқармоқда[14]. Шу боис, мамлакатимизда оила хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишни янада такомиллаштириш муҳим вазифалар қаторига киради.

Дунё миқёсидаги мураккаб жараёнлар ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиши соҳада изчил ислоҳотларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу жараёнлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда мамлакатимиз кейинги йилларда халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Жумладан, “...маҳаллаларнинг “ўсиш нукталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-куватлаш” бўйича қатор вазифалар белгилаб олинган [1]. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, аҳоли даромадини ошириш ва тадбиркорликни шакллантиришнинг асосий йўналиши бўлган оила хўжаликларининг фаолиятини ривожлантиришни бугунги кундаги ҳаётй заруратга айлантириди.

Иқтисодиётда оиласын хўжаликни ташкил этиш, унда оила тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш муаммоси узоқ йиллардан буён иқтисодий назария фанининг предмети бўлиб келган. Оила хўжалиги муаммоси иқтисодчи олимлардан С.Р.Макконелл [4], Й.А. Шумпеттер., Мамлакатда агарар иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигини ривожлантиришнинг турли назарий-услубий, ташкилий-иктисодий жиҳатлари ўзбекистонлик олимлар А.А.Раджапов[6], Б.Б.Беркинов[7], У.П.Умурзақов[8], Т.Д.Дўстжонов[9], Т.Нурымбетов[10] ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтирилган.

Шу билан бирга, бажарилган илмий тадқиқот иши республикамиздаги қишлоқ аҳолисининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини институционал тарзда, ўзаро боғлиқликда ўрганишга қаратилган таклиф ва хулосаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

Иқтисодчи омиларнинг фикрича “Оила – шахс, оила ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёjlари қондиришга қаратилган фаолиятини амалга ошириш учун бир-бири билан қориндош-уругчилик алоқалари асосида ташкил топган кишиларнинг кичик гуруҳи”[11] бундай таърифлардан биз албатта дехқон

хўжалигини ҳам бир оила сифатида қараймиз. Оила – жамиятнинг, авваламбор, ўз хонадонида ҳаёт фаолиятини, шу жумладан, хўжалик фаолиятини юритувчи бирламчи ячейкасидир. Шу сабабли оила ва уй жуда боғлиқ тушунчалардир. Чунки, оила ҳаёт фаолиятининг асосини уй жой ва меҳнат ташкил этади, айниқса, ёшлар ва ёш оилаларни қишлоқ ҳудудларида яшаб қолиши бутун дунёда долзарб муаммодир[12]. Шу сабабли, оиланинг асосий функцияси ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштириш бўлиб, унинг фаолият макони чегараланмаган.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Тадқиқотларимиз натижасида оилавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нотижорат, яна ҳам аникроғи, нотадбиркорлик хўжалик шакли сифатида эмас, балки, индивидуал тадбиркорлик хўжаликлари сифатида комплекс ёндашув таклиф қилинади.

Чунки, эамонавий шарт-шароитларда қишлоқ хўжалигида оилавий хўжаликлар ишлаб чиқаришнинг аҳоли учун анчагина ижтимоий афзалликларига қарамасдан фермер хўжалигидан фарқловчи қўйидаги камчиликларга ҳам эга:

- ишлаб чиқариш технологиясининг экстенсивлиги, яъни, ҳаддан зиёд қўл кучига асосланган оғир меҳнат юкламалари;
- мураккаб демографик вазиятга эга эканлиги (қишлоқ аҳолисининг қариши ва оила таркибининг қисқариши);
- жамоа таркибига эга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан узоқлашган, узилиб қолган ҳолларда уларнинг кўмагидан маҳрум бўлиб қолиши;
- ишлаб чиқилган маҳсулотни сотиш жараёни тартибга солинмаганлиги;
- мавсумий даврларда бефойда, ортиқча бўш вақтлар ва айниқса, товар ишлаб чиқариш кучайтирилган ҳолларда оилавий эксплуатация даражасининг юқорилиги.

Шу билан бир вақтда, қишлоқ жойларида оила хўжалиги тадбиркорлиги, оилавий мулкка асослангани, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оиласага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган қонуний фаолиятига замин яратади.

Шу билан бир вақтда, оилавий хўжаликлар ривожига таъсир кўрсатувчи ҳудудлар доирасидаги маҳаллий омиллар турли-туман ва кўп сонли бўлиб, уларнинг энг асосийларига:

- демографик омил;
- оилавий хўжаликларнинг фаолиятини тартибга солиш, рағбатлантириш масалаларини ҳуқукий жиҳатдан таомиллашганлиги;

- оилавий хўжаликлар моддий-техник базасининг мустаҳкамлиги.

Оилавий хўжаликлар билан бошқа хўжалик субъектлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида интеграция алоқалар даражаси, уларнинг хўжалик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш омилларини кўrsatiш мумкин


Шу ўринда қайд этиш жоизки, мамлакатимизда оила хўжалиги фаолияти билан боғлик бўлган қонун хўжжатлари қабул қилинган. Уларда оила хўжалиги ишлаб чиқариш функциялари ва оила бюджетини шакллантириш билан боғлик бўлган муҳим институционал нормалар ва механизmlар мавжуд. “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги[2] ва “Оила тадбиркорлиги тўғрисидаги”[3] ЎзР Қонунлари шулар жумласига киради. Ушбу қонунлар негизида оила хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳамда оила бизнесини амалга оширилади.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда оила хўжалиги турли нуқаи назарларни Ҳисобга олган ҳолда унинг ҳар томонидан кўриб чиқишига уринишлар кузатилмоқда. Натижада оила хўжалиги инсон капиталини ривожлантириш, ишчи кучини тақорор барпо этиш, бозорга ресурслар етказиб бериш ва даромадлар олиш функцияларини бажарувчи фаол хўжалик юритувчи субъект; ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилиш субъекти сифатида намоён бўлмоқда; хўжаликнинг ички ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам эътибор қаратила бошлади. Шу билан бирга қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган оила хўжалигининг фаолиятини кўриб чиқишида унинг бозор, давлат, корхоналар томонидан тартибга солиш, ривожланишини рағбатлантириш муаммолари тадқиқ қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ривожланишида саноат тармоқлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади. Қорақалпоғистон Республикаси аграр сектори мамлакат минтақаларидан фарқли равишда, ўзига хос мураккаб экологик оғир вазиятларни эътиборга олган ҳолда иш юритиш талаб этилиши билан ажralиб туради.

2021-йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 26 250,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020- йилга таққослаганда 7,4 % га ўсган. Ахоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 13 558,6 минг сўмни ташкил этиб бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,0 % га юқоридир. 2021 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 28,8 % ни ташкил қилди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига – 103,7 % (ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши – 28,8 %), саноатда – 107,4 % (26,7 %), қурилишда – 110,5 % (8,5 %), хизматлар соҳасида – 109,7 % ни (36,0 %) ташкил этди[15].

Қарақалпоғистон Республикаси ЯХМ ҳажми йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлди. Хусусан, 2017 йилда республиканинг ЯХ 6518,0 ҳажми 6518,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 26 250,7 млрд. сўмни ташкил этди[16]. Бу кўрсаткич мамлакат ЯИМга нисбатан олганда 28 баробар паст ҳисобланади яъни етарли даражада ўз имкониятларидан тўлик фойдаланмаяпти дейиш мумкин. Бунинг сабабларидан Орол денгизига қуилиши делтаси атрофидаги иқлими қуруқ ва сув камлиги, худуднинг ривожланиш даражасининг нотекисликлари атроф-муҳитнинг экологик муаммоларининг мавжудлиги кабилардир.




**2.4-расм. 2021 йилда ҳудудлар кесимида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш[15].**

Қарақалпоғистон Республикаси асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича мамлакатимизда нисбатан паст ривожланган минтақа ҳисобланиб, мева ва резаворлар, сабзавот, картошка, узум, , гўшт ва сут етиштиришда республикада қуии поғонани эгаллайди.

Қарақалпоғистон Республикасида 2021 йил янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 3832 та ташкил қилиниб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 56,4 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган. Шундан, энг кўп янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлар савдо соҳасида 1457 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 966 та, саноат тармоғида 788 та, қурилиш тармоғида 276 та, яшаш ва овқатланишда 213 та, ташиш ва саклашда 132 та ташкил этилган[16].

Таҳлилларимиз қўрсатилишича, 2021 йилда мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича тадбиркорлик субъектлари энг юқори улуши қишлоқ хўжалигида 95,1 фоиз, йўловчи айланмасида 93,9 фоиз, курилиш ишларида 87,4 фоиз, юк ташишда 92,3 фоиз, чакана савдо айланмасида 93,9 фоизни ташкил этди (2-расм).



**2.5-расм. 2020 йилда Қорақалпогистон Республикасида кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий фаолият турларидаги улуши (фоиз ҳисобида)**

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз томонидан бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий ўзгартганлигини кўриш мумкин.

Маълумотлар шундан далолат беради, Республикада 2021 йилда картошканинг 67,0 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг 60,6 фоизи, меванинг 44,1 фоизи, узумнинг 55,7 фоизи дехқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган. Ушбу фоиз қўрсаткичлари 2020 йилга нисбатан бирмунча пасайган бўлсада уларни ишлаб чиқариш ҳажми шу даврда ўсиб бориши тенденциясига эгадир.

Масалан, картошка ишлаб чиқариш 2021 йилда 2005 йилга нисбатан 686,8 фоизга, сабзавот – 790,2; мева – 541,3; узум – 486,5 фоизга ошган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги кўй – экинларнинг қарийб 88 фоизи, қора молларнинг 96,0 фоизидан кўпроғи, паррандаларнинг 72,0 фоизи өила хўжаликларида жойлашган. Республикадаги ўртача битта оила хўжалигига (қишлоқ жойларида) 3,2 бош қорамол (шундан 1,2 фоизи соғин сигир), 6,5 бош кўй ва эчки, 14 бош парранда тўғри келади[16].

Бунда, қўрсатилган йиллар давомида чорвачилик маҳсулоти ҳажми ошиб борган бўлсада, умумий ҳажмдаги улуши камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Чунки, оила

хўжаликлари аста-секинлик билан бўлсада трансформациялашув натижасида юқорироқ даражадаги хўжаликларига айланиб бораётганлиги қузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида дехқон хўжаликлари томонидан 2021 йилда 37,1 минг тоннадан кўпроқ дон, 182,8 минг тонна сабзавот, 59,9 минг тонна картошка, 78,2 минг тоннадан зиёд полиз, 27,3 минг тонна мева, 6164,0 тонна узум ва бошқа маҳсулотлар етиширилган[16].

Шу даврда Қорақалпоғистон республикасида ишлаб чиқарилган қарийб 95 фоиз (ёки қарийб 110 минг тонна) гўшт (сўйилган вазнда), 92,5 фоиз (ёки 388,8 минг тонна) сут, 78,6 фоиз (ёки 280,8 минг тонна) тухум, 22,1 фоиз (ёки 3200,5 тонна) балиқ, 92,9 фоизи (ёки 1092,4 минг бош) йирик шохли қора моллар, 91 фоиз (ёки 309,7 минг бош) сигирлар, 84,1 фоиз (ёки 991 минг бош) қуй ва эшқилар ва бошқа хўжалик тоифасидаги маҳсулотлар дехқон хўжаликлар улусига тўғри келади[16]. Бу оила хўжаликларининг аҳолини озиқовқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрни юқори эканлигини билдиради.

Умумий ҳудудий ички ишлаб чиқариш имкониятларини сафарбар қилиш хисобига ҳудуднинг товар ҳаракатини такомиллашуви мамлакатни озиқ-овқат билан ишончли таъминлашнинг зарур воситаси бўлиб майдонга чиқади. Статистик маълумотларга қўра дон ҳосилдорлиги фермер хўжаликлирида 2021 йилда 2000 йилга нисбатан 1,5 марта дехқон хўжаликлирида эса шу даврда 1,1 мартаға ўсган. Аммо, дехқон хўжаликлирида дон экинлари ҳосилдорлиги бир гектардан 2021 йилда 30,6 центнерга, фермер хўжаликлирида эсса 24,9 центнерга тенг бўлган. Ёки шу даврда дехқон хўжаликлирида 1 гектар ердан фермер хўжаликлирида нисбатан 5,7 центнер кўп дон ҳосил етиширилган[16].

Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, оила хўжаликлиари таркибидаги дехқон хўжаликлиари маҳсулотларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари кўп вариантили эконометрик моделлар тўзиш орқали асосланди. Эконометрик моделлар ичидан статистик баҳолаш мезонллари қийматларини тақослаш ҳамда ARIMA модели ва стата дастуридан фойдаланган ҳолда прогноз моделлари тузиш орқали аниқланди.

Тадқиқотимиз давомида Қорақалпоғистонда дехқон хўжаликларда етиширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари прогноз қилинди ва STATA дастуридан фойдаланган ҳолда оилавий хўжаликлиари учун дон, картошка, сабзавот, мева, узум, гўшт, сут, тухум маҳсулотларининг пессимистик, ўртacha ва оптимиستик вариантларининг прогноз қийматлари ишлаб чиқилди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиг мумкинки, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ жойларида оилавий асосдаги тадбиркорликни ривожлантириш бандлик муаммосини

айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбай ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида “оила”, “оила хўжалиги” тушунчаларининг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан мазмуни кенгайиб, уларга фақат истеъмолчи субъект сифатида эмас, балки иқтисодий муносабатларнинг асосий иштирокчиси эканлигини ҳисобга олиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчаларга доир турли хил қарашлар мавжуд. Бу тушунчаларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб ҳар бирининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

Қишлоқ ва шаҳарларда ҳар қандай хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорларга солиқлар ва ягона ижтимоий тўловларни янада камайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур тўлов турлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали оила даромадларини кўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу эса, оилаларнинг ўз маблағлари билан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга имкон беради.

Қишлоқ жойларида оила хўжаликлари ўзларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш салоҳияти билан фермер ва бошқа тоифадаги қишлоқ хўжалиги корхоналаридан устун туради, ва улар ер, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиб, оила истеъмоли учун ҳамда бозорда сотиш учун дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарип, шунинг эвазига катта оилавий даромад оладилар. Бунга оила ва унинг аъзолари тадбиркорлигига қонун орқали берилган кафолатлар ҳамда уларни ишлаб чиқариш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асос бўлиб хизмат қилмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 февраль, №22 (544).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни.- Т.: 2021 йил 1 апрель, ЎРҚ-680-сон. [www.lex.uz..](http://www.lex.uz..)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни.- Т.: 2012 йил 26 апрель ЎРҚ-327-сон. [www.lex.uz..](http://www.lex.uz..)

4. Макконелл С.Р., Стенли Ж.И., Брю С.Д. Экономикс. Таллин, 1993.; Вебер М. Экономические формы производства торговли. – М.: Высшая школа, 2006
5. Шумпеттер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия; - М.: Эксмо, 2008. - 864 с.
6. Раджапов А.А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлиги. Дисс.и.ф.н. –Т., 2000.;
7. Б.Б.Беркинов ва бошқалар. Уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истиқболлари// Монография. – Т.. Fan va texnologiya, 2013. –Б.144 бет.:
8. Ў.П.Умурзоқов ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма-Т.: “Иқтисод-мо,лия” 2007 й.,
9. Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2006. - 332 б.
10. Нурымбетов Т.У. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида), Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент – 2019. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
11. Афанасьева Т.М. “Оила”. – Т.. “Ўқитувчи”, 1986. – 87-бет.
12. Aileen Stockdale., Capa Фергюсон. Planning to stay in the countryside: The insider-advantages of young adults from farm families. *Journal of Rural Studies*. Volume 78, August 2020, Pages 364-371. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0743016720301972#>
14. <https://www.fao.org/3/cb8227en/cb8227en.pdf>.
15. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
16. [www.qrstat.uz](http://www.qrstat.uz)